


АНДИЖОН ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ
ҲАМДА
ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА
УЮШМАСИНИНГ АНДИЖОН
ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИНИНГ
МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА
СОЛИШ ҲАМДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАРИНИ МЕҲНАТ
ҚОНУНЧИЛИГИ ДОИРАСИДА ҲИМОЯЛАШ
БҮЙИЧА 2021-2023 ЙИЛЛАР УЧУН ТУЗИЛГАН
ХУДУДИЙ ТАРМОҚ КЕЛИШУВИННИНГ
РЎЙХАТДАН ўТКАЗИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ

ГУВОҲНОМА

ХУДУДИЙ ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ РЎЙХАТДАН ўТКАЗИЛДИ:

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика
Кенгашини



“28” июнь 2021 йил

Бандлик ва меҳнат муносабатлари Андижон вилояти бош бошқармаси





**Андижон вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Андижон вилояти кенгаши ўртасида
2021-2023-йиллар учун тузилган**

ХУДУДИЙ ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Андижон вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси (бундан кейин матнда “Бошқарма” деб юритилади) ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши ўртасида (бундан кейин матнда “Вилоят кенгаши” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Мехнат кодекси (бундан кейин матнда “МК” деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Конунлари, Тармоқ касаба уюшмаси Устави, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Иш берувчилар Конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иктисодий масалаларга оид тузилган “Бош келишув” (бундан кейин матнда “БК” деб юритилади) ва Тармоқ келишуви (бундан кейин матнда “ТК” деб юритилади)га асосан тузилган ушбу Келишув қўйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- меҳнатга ҳак тўлаш, меҳнат шартлари ва уни муҳофаза қилиш, меҳнат ва дам олиш тартиби;
- нархларнинг ўзгариб боришига, инфляция даражасига, келишувда белгилаб қўйилган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳак тўлашни тартибга солиш механизми;
- энг кам миқдори қонун ҳужжатларида назарда тутиладиган компенсация тарзидаги қўшимча тўловлар;
- ходимларнинг ишга жойлашишига, уларни қайта ўқитишга кўмаклашиш;
- экология жиҳатидан хавфсизликни таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларнинг соғлигини муҳофаза қилиш;
- ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича маҳсус тадбирлар;
- давлат муассасаларини хусусийлаштириш чоғида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш;
- ногиронлар ва ёшлар (шу жумладан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар) меҳнатидан фойдаланиш максадида улар учун қўшимча иш жойлари ташкил этувчи муассасаларга бериладиган имтиёзлар;
- ижтимоий шериклик асосида ўзаро икки тарафлама ҳамкорликни ривожлантириш, жамоа шартномаларини тузишга кўмаклашиш, меҳнат низоларининг олдини олиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш;

- ходимлар турмуш даражаси пасайишининг олдини олиш ижтимоий-иктисодий кафолатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши;

- қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда кўрсатилганидан имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иктисодий шартлар киритиш;

- ходимларнинг ҳуқуқий билимларини ва маданиятини, маънавий-маърифий савияларини ошириш, тиббиёт деонтологияси ва этика тамойилларига амал қилиш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш ва семинарлар ташкил қилиш;

- муассасалар, корхоналар, ташкилотларда (бундан кейин матнда “Муассаса” деб юритилади) ходимларнинг меҳнатини ва саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаш;

- қасаба уюшма ташкилотларига қонунчиликда белгиланган ваколатлар бериш ва уларнинг фаолияти учун шароит яратиш.

1.2. Келишув 2021-2023 йилларга тузилиб, тарафлар томонидан имзолангандан сўнг

Вилоят Бандлик бошқармасидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва янгиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади. Мазкур йиллар давомида томонлар Келишувнинг бандларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлари мумкин. Улар томонларнинг розилигига кўра қабул қилинади.

1.3. Мазкур Келишув шартлари Бошқарма тасарруфидаги мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча муассаса ва ташкилотлар (кейинчалик муассаса деб юритилади)да меҳнат муносабатларида турган иш берувчилар ва барча ходимларга, шу жумладан келишув кучга киргандан кейин ишга қабул қилинган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Муассасаларда ушбу келишув асосида жамоа шартномалари тузилади. Жамоа шартномалари бандларида белгиланган имтиёзлар ушбу келишувда белгиланган имтиёзлардан кам бўлишига йўл қўйилмайди.

1.4. Бошқарма тасарруфидаги муассасаларда ишловчи ходимларнинг ижтимоий-иктисодий, меҳнатга оид хақ-хуқуқларига амал қилиниши, уларга муносаб мөхнат шароитлари яратиш бўйича МК, амалдаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарор ва Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар, Халқаро меҳнат ташкилотининг (бундан кейин матнда “ХМТ” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари талабларига қатъий риоя этилиши шарт.

***1.5. Томонлар ходимларнинг меҳнат, меҳнатни муҳофaza қилиши, ижтимоий-иктисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши, маданий-оммавий, спорт-согломлаштириши, қасбий маҳоратни ошириши ишларини ривожлантиришида ижтимоий шерикликлар сифатида биргаликда тадбирларни ташкил этиши ва ўтказиш, ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифаларни ҳал этишига қаратилган лойиҳаларни, шунингдек норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқши ва амалга ошириши юзасидан ўзаро хамкорлик қиласидилар.

***1.6. Икки томонлама ижтимоий шерикликни таъминлаш учун:

- Вилоятлар кенгаши раисини вилоят соглиқни сақлаши бошқармалари тиббий коллегияси таркибига киритилиши;

- Бошқарма вакили тармоқ қасаба уюшмаси ҳудудий кенгаши Раёсати аъзолигига киритилиши;

- қасаба уюшма бошлангич қўмиталари, бирлашган қўмиталари раисларини муассасаларнинг бошқарув органларига киритилиши таъминланади.

***1.7. Тармоқнинг ижтимоий-иктисодий ривожлантириши дастурлари ва ходимларнинг меҳнатга оид хақ-хуқуқлари хамда манфаатларига оид норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек ушбу лойиҳаларга доир таклифларни тайёрлашида,

уларни Бошқарма органлари ҳузуридаги ииши гурӯҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органларининг мажлислирида кўриб чиқшида касаба уюшма органлари вакилларининг иштирок этиши таъминланади.

***1.8. Томонлар ўз ваколатлари доирасида иккинчи томонни ўқув-услубий, ахборот, маслаҳат ва ташкилий жиҳатдан ўзаро қўллаб-қувватлайди. Тизимга киритилаётган янгиликлар хақида бир-бирларини хабардор қилиб борадилар.

***1.9. Тармоқ касаба уюшмаси ҳудудий кенгаш мутахассислари иштирокида бошқарма тизимидағи раҳбар шахслар ва масъул ходимларнинг муассасаларда ижтимоий шериклик тамойиллари, ходимларни ижтимоий-иқтисодий химоялаши, меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб борилади.

***1.10. Тармоқ иши берувчилари томонидан ходимларнинг розилиги билан касаба уюшма аъзоларининг иш хақлари (асосий ва ўриндошлиқ иши ўрнидан қатъий назар)дан 1 фоиздан кам бўлмаган аъзолик бадалларини муассаса бухгалтерияси орқали пул ўтказиши йўли билан касаба уюшма ташкилотлари ҳисоб рақамига ўтказиб берилиши амалга оширади.

1.11. Касаба уюшма қўмиталарига сайланган ходимлар учун қўйидаги кафолатлар сақлаб қолинади:

- асосий ишидан озод этилмаган касаба уюшма қўмиталарининг раисларига жамоа манфаатлари йўлидаги ишларни бажариш учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда бўш вақт ажратиш;

- қисқа муддатли касаба уюшма ўқувлари ҳамда касаба уюшма ташкилотлари ишида иштирок этган даврида ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш;

- иш берувчи асосий ишдан озод этилмаган ҳолда муассаса касаба уюшма қўмитаси раиси лавозимига, қўмита аъзолигига сайланган ходимларнинг юқори касаба уюшма ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган ўқувлар, маданий-маърифий ва спорт йўналишидаги тадбирларда иштирок этишлари билан боғлиқ қисқа муддатли (бир ҳафтагача) хизмат сафари харажатларини (бориш ва келиш, суткалик харажатлар, меҳмонхонада яшаш ва ҳ.к) муассаса хисобидан қоплаш;

- касаба уюшмаси органи талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

- касаба уюшма сайланма органларидаги лавозимларга сайланганликлари туфайли асосий ишидан озод қилинган ходимларга сайлов ваколатлари тугагандан сўнг аввалги ўз ишини (лавозимини) бориш, бундай иш (лавозим) бўлмаган тақдирда ходимнинг розилиги билан аввалгисига тенг келадиган бошқа иш (лавозим) тавсия қилиш;

- мутахассислик бўйича узлуксиз иш стажини сақлаб қолиш;

***- малака тоифасини унинг амал қилиши муддатига сақлаб қолиш;

***- касаба уюшмаси органининг Уставида белгиланган фаолиятини амалга ошириши учун уни муассаса маъмурияти биносидан хона, мебел ташкилий техника, алоқа воситалари, интернет, канцелярия товарлари билан бепул таъминлаш;

- ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Муассасада меҳнаткашлар вакилларининг ҳукуқларини химоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисидаги 135-Конвенция талабларига риоя этилишини таъминлайди.

Иш берувчилар томонидан касаба уюшма органларига сайланган ходимларга (қўмита аъзоларига) муассаса ходими сифатида жазо тайинлашда шу органнинг олдиндан розилигини олмасдан, касаба уюшмаси ташкилоти раҳбари (раиси)га юқори турувчи касаба уюшмаси органининг олдиндан розилигини олмай туриб интизомий жазо тайинланишига йўл қўйилмайди.

Касаба уюшма органларига сайланган ходимларга муассасадаги иш фаолиятини уларнинг сайлов ваколатлари тугагандан сўнг 2 йил давомида иш берувчининг ташабbusи

билин ишдан бўшатилишига маҳаллий меҳнат органларининг олдиндан розилигини олмай туриб йўл қўйилмайди.

***1.12. Тармоқ келишуvinинг бажарилишини муҳокама қилиши, янгисини қабул қилиши ёки қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши хар йилнинг январ ойидаги бошқарма хайъати ёки ҳудудий кенгаши раёсати йигилишиларида, муассасаларда жамоа шартномаларининг бажарилишини муҳокама қилиши, янгисини қабул қилиши ёки қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши хар йилнинг биринчи чорагидан кечикмаган холда муассасаларнинг умумий йигилиши (конференцияси) да муҳокама этилади.

1.13. Бошқарма ва тасарруфдаги ташкилотлар иш берувчилари ишчи-ходимлар манфаатига дахлдор қарорлар қабул қилишдан олдин **Вилоят кенгаши** ва бошлангич касаба уюшма қўмиталари билан маслаҳатлашишлари шарт.

***1.14. Муассасаларда меҳнат қонунчилиги бузилишига йўл қўйған иш берувчилар томонидан мазкур қонун бузилиши бартараф этилмаган холларда, суд органларига мурожсаат қилишидан олдин, муассасаларнинг юқори органлари билан ижтимоий шериклик ва мулоқот асосида мазкур қонун бузилиши бартараф этилади.

***1.15. Томонлар Вазирликнинг “Соғлиқни сақлашни ташкил этиши ва бошқарии” журналига ҳамда касаба уюшмалари Федерациясининг «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарига обунани ташкил этиши юзасидан ўзаро ҳамкорлик қиласидар.

***1.16. Тармоқ касаба уюшмаси ҳудудий кенгаши ва бошлангич ташкилотларига ўз фаолиятларига оид доимий ва узоқ вақт (10 йилдан кўпроқ) сақланадиган ҳужжатларни сақлаш учун бошқарма ва муассасаларда ташкил этилган идоравий архивлар хизматидан беғараз фойдаланишига руҳсат этилади.

1.17. Бошқарма ва унинг тизимидағи барча муассасаларда ходимларнинг лавозимга лаёқатлиигини аниқлаш бўйича аттестация комиссиялари таркиби тармоқ касаба уюшмасининг вакиллари албатта киритиши шарт.

***1.18. Тармоқ иш берувчиларига муассаса касаба уюшма бошлангич ташкилотида фаолияти учун, шунингдек касаба уюшма қўмиталарининг ходимлар манфаатига доир ҳаражатлари учун ўзининг бюджетдан ташқари тушган маблаглари хисобидан моддий кўмак кўрсатишига йўл қўйилади.

1.19. Меҳнат жамоасида ишлаб пенсияга чиқсан ходимларга доимий ғамхўрлик қилиш, уларга зарурый ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг меҳнат жамоаси хаётида фаол иштирок этишларини таъминлаш, кекса авлод вакилларининг билими ва тажрибасидан фойдаланиш, мазкур йўналишдаги ишларни тизимли йўлга қўйиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида бошқарма тассаруфидаги барча муассасаларда “Фахрийлар Кенгаши” ташкил этилади.

1.20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2705-сонли Қарорини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашилади.

1.21. **Тизимдаги ташкилот ва муассасалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиб тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 349-сонли қарорига тўлиқ риоя этиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.**

II. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ, БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ

Бошқарманинг мажбуриятлари:

2.1. Ишчи ходимларнинг касблари, малакалари ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ бандлиги таъминлайди.

2.2. Тармоқда иш берувчилар томонидан ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини МКнинг 100-моддаси иккинчи қисми 1,2,3,4,7 бандларига асосан бекор қилишда муассаса касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олмай туриб бекор қилинишига йўл қўйилмайди. Муассасанинг бутунлай тугатилиш холатлари бундан мустасно.

*****2.3. МКнинг 100-моддаси 2- қисми 7-банди бўйича (ходимнинг пенсия ёшига этиши ва пенсия олиши хуқуқига эга бўлиши сабабли) меҳнат шартномаси бекор қилинишида ходимнинг меҳнат унумдорлигини инобатга олинниши шарт.**

2.4. Тармоқ муассасалари жамоа шартномаларида таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар бериш, қисқартирилган иш ҳафтасини жорий этиш ва бошқа қўшимча имтиёзлар киритилади.

2.5. 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилишда ва уларнинг меҳнатидан фойдаланишда ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-Конвенция ва “Болалар меҳнатининг оғир шаклларини таъкиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги 182-Конвенциялари талабларига риоя этилишини таъминлайди.

2.6. Ходимларни (кадрларни) тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш бўйича мунтазам равишда иш олиб боради.

2019 йил 1 февралдан бошлаб бошқарма тизимидағи барча муассасаларда қоида тарикасида асосий иш жойига тиббиёт ходимларини фақат тўлиқ ставкага ишга қабул қилиши тартиби белгиланади.

Муассасанинг вакант бўлган иш ўринларини биринчи галда тўлиқсиз ставкада ишлаётган ходимлар ҳисобига уларнинг эҳтиёжидан келиб чиқкан ҳолда қоплайди.

Мазкур қоида ходимнинг ўзининг асосий ишидан бўши вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишини бажарии (ўриндошлиқ) асосида ишилаши, шунингдек мавжуд штат бирлиги ва бошқа сабаблар ходимни тўлиқ ставкага ишга қабул қилишига имкон бермайдиган бошқа холатларга татбиқ этилмайди.

2.8. Ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиб, кам таъминланган ва кўп болали оиласларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чоралари амалга оширилишини таъминлайди.

*****2.9. Жамоа шартномасида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишиувга биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътилларни бериш, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиши ҳолларини жамоа шартномаларида белгилайди.**

2.10. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан иш берувчи ҳисобидан ходимларни малакасини ошириш ва қайта ўқитади.

*****2.11. Бошқарма тасарруфидаги муассасаларда янги ходимларни ишга қабул қилишида касаба уюшма қўмитаси сухбатидан ўтишини йўлга қўйишни жамоа шартномаси орқали белгиланади.**

*****2.12. Айрим соглиқни сақлаши муассасаларида тез ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдамни ташкил қилиши мақсадида бригада усулида иш жорий қилиниши мумкин. Бригада фаолиятига уни ҳар бир аъзосининг бирдек масъуллиги белгиланади, лекин бу**

усулда иши ташкил қилинганида ҳам бригада аъзоларининг ҳар бирининг функционал вазифалари ва лавозим йўриқномалари белгилаб қўйилган бўлиши шарт.

***2.13. Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиши ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар туфайли келиб чиққан ва бундай иши муассасада мавжуд бўлса, иши берувчи томонидан қаноатлантирилиши керак.

Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиши муддати ходим ва иши берувчи ўртасидаги келишиувга биноан белгиланади. Бунда амалда бажарилаётган ишга қараб ёки аввалги ўртacha иши ҳақидан кам бўлмаган миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиши учун узрли сабаблар деб қўйидагилар ҳисобланади:

- а) ҳомиладорлик;
- б) оила аъзоларидан бирининг касаллиги ёки ногиронлиги туфайли парваришига муҳтожлиги;
- в) ишини таълим билан қўшиб олиб борилиши;
- г) ходимнинг оиласий шароитига кўра.

***2.14. Пандемия даврида коронавирус инфекцияси билан заарланиб, карантинга жойлаштирилган 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш таъқиланади.

Вилоят кенгашининг мажбуриятлари:

2.15. Ходимларни ишга қабул қилиш ва меҳнат фаолияти давомида ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган “Зўраки ва мажбурий меҳнат тўғрисида”ти 29-сонли, “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ти 111-Конвенцияси талабларига амал қилинишини таъминлаш.

***2.16. Вилоят Кенгashi мутахассислари томонидан мунтазам равишида меҳнат қонунчилиги бўйича, айниқса меҳнат муносабатлари, ижтимоий-иқтисодий муҳофаза, муносиб меҳнат шароитлари яратилиши юзасидан соглиқни сақлаши идоралари, муассасаларига биргаликда маслаҳатлар, музокаралар ташкил этиши ва бажарилиши устидан назорат ўрнатишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш.

2.17. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофaza қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш.

***2.18. Меҳнат жамоаларида ижтимоий вазиятни осоийшта бўлишига ёрдамлашиши, ҳуқуқий масалалар бўйича бепул маслаҳатлар бериш. Вилоят кенгashi қошида “Ишонч телефони”нинг мунтазам ишишини таъминлаш.

Ҳамкорликдаги мажбуриятлар:

***2.19. Соғлиқни сақлаши ходимларини бандлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий меҳнат идоралари билан узвий ҳамкорлик ўрнатиш. Мазкур масалага оид маълумотларни йигизи ва маҳаллий меҳнат идоралари билан ўзаро ҳамкорлик ишларини ташкил этишини вилоят соглиқни сақлаши бошқарманинг масъул ходимларига, Вилоят Кенгашининг тегишили ходимларининг зиммасига юклатиш.

2.20. Асоссиз иш жойларини қисқартиришга йўл қўймаслик:

- ҳар қандай вазиятда касаба уюшмаларига қонунчиликда белгиланган муддатлардан кечиктирмай керакли маълумотларни юбориш ва қуида кўрсатилган чораларни кўришда биргаликда музокаралар олиб бориш;

- иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ўз вақтида, лекин камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органига ахборот тақдим этади ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга оширади. Шунингдек камида икки ой олдин, ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан

озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни бандликка қўмаклашувчи Марказга ҳам маълум қилиши шарт.

***- *Бошқарма тасарруфидаги муассасалар ходимларининг рўйхатдаги сонидан камида 10 фоизининг бир вақтнинг ўзида ишдан озод этилиши ходимларни оммавий равишда ишдан озод этилиши деб ҳисобланади.*

(Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-642-сон Қонунининг 18-моддасига биноан, одамларнинг умумий сони 100 кишидан ортиқ бўлган ташкилотлардан рўйхатдаги ходимлар ўртacha сонининг 10 ва ундан ортиқ фоизи ишдан бўшатилиши ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш деб ҳисобланади).

- қисқартириш натижасида ишдан озод этилган ходимларни қайта ўқитиш ва ишга жойлаштириш учун маҳаллий меҳнат органлари билан ҳамкорликда ишлаш;

- ходимларнинг ишдан бўшаш сабаблари, меҳнат шартларининг ўзгариши, уларнинг қонунийлигини таъминлаш.

2.21. Мулк шаклларининг ўзгариши (хусусийлаштириш) ҳолларида:

- хусусийлаштириш жараёнида “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига (хусусийлаштириш комиссияларига меҳнат жамоаси вакилини киритиш) қатъий риоя қилиш;

-хусусийлаштирилган муассасаларда асосий фондлари сотилиши ва иш ўринлари қисқартиришишининг олдини олишга эришиш;

- муассаса мулкдори алмашганда, шунингдек муассаса қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган, қайта тузилган, ажратилганда) меҳнат муносабатларини ходимнинг розилиги билан давом этилишини таъминлаш.

2.22. Тармоқ иш берувчилари томонидан хар бир муассасада касаба уюшма қўмитаси билан келишган холда ходимлар лавозим йўриқномалари тузилади ва хар бир ходим ўз лавозим йўриқномаси билан таништирилиши шарт.

2.23. Тармоқда мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан белгилаб қўйилган умумхалқ хайрия ҳашарлари ва фавқулотда холатлардаги ишлардан ташқари ходимларнинг иш ҳақларидан қонунга ҳилоф равиша маблағ ушлаб қолиш, ғўза парвариши, пахтакорларга, коммунал тўловларга, текширувчиларга, ободонлаштиришга, гул ёки дараҳт кўчатларини сотиб олиш ва ҳоказоларга, қонун ҳужжатларидаги тартибга риоя этмаган холда ҳашар ва шанбаликларга шунингдек, ходимларнинг лавозим вазифасига кирмайдиган ишларга жалб қилинмайди.

Бундай холатлар аниқланган холларда тарафлар бир-бирларини бу хақда хабардор қиласидилар, мажбурий меҳнатга йўл қўйган раҳбарларни интизомий жазога тортиш ёки тегишли давлат органлари раҳбарларига нисбатан чоралар кўрилиши бўйича биргаликда харакатлар қиласиди.

2.24. Олий, ўрта маҳсус таълим муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафидан муддатли ҳарий хизматдан қайтган шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга хар томонлама қўмаклашилади.

III. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

Бошқарманинг мажбуриятлари:

3.1. Тиббиёт муассасасидаиши ҳафтасининг қўйидаги муддатлари қабул қилинади:

- раҳбар ходимлар учун 40 соат;
- нотиббий ходимлар учун 40 соат;
- тиббиёт ходимлари учун 36 соат;
- олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар учун 36 соат;
- ижтимоий ходимлар учун 36 соат;

- 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун 36 соат;
- I- ва II-гурух ногиронлари бўлган ходимлар учун 36 соат;
- уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар учун 35 соат;
- ноқулай меҳнат шароитларидағи ишларда банд бўлган ходимлар учун (Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижаларига асосан) - 36 соат;
- соғлиқни сақлаш муассасаларидағи тарбиячилар учун 30 соат;
- соғлиқни сақлаш тизимининг маҳсус ўқув-тарбия муассасаларидағи психологлар учун 20 соат;
- соғлиқни сақлаш муассасаларидағи 5-9 синф ўқитувчилар учун 20 соат
- соғлиқни сақлаш муассасаларидағи 1-4 синф ўқитувчилар учун 18 соат;
- соғлиқни сақлаш тизимининг маҳсус ўқув-тарбия муассасаларидағи логопедлар учун - 18 соат;
- амбулатория поликлиника муассасалари (поликлиникалар, амбулаториялар, диспансерлар, тиббий хоналар, станциялар, бўлимлар ва хоналар)нинг касалларнинг бутунлай амбулатория қабулида банд бўлган шифокорлари учун 33 соат;
- тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) ва тиббий-маслаҳат комиссиялари (ТМК)нинг шифокорлари учун – 33 соат;
- поликлиникаларнинг стоматолог-шифокорлари, тиш шифокорлари ва тиш шифокорлари-протезистлари учун - 33 соат;
- бутун иш вақти давомида 200 ваттдан баланд қувватдаги ультрақисқа тўлқинли частотадаги тиббиёт генераторларида ишлайдиган шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари учун - 33 соат;
- анестезиология-реанимация бўлимлари (гурухлари) ҳамда реанимация ва интенсив терапия палаталари шифокорлари, ўрта ва кичик тиббий ходим (шифокор-лаборант ва лаборантдан ташқари) ходимлари учун - 33 соат;
- мурдалар ва мурда материаллари билан ишлашда банд бўлган ходимлар (Врач (шу жумладан, врач-бўлим, лаборатория раҳбари), ўрта ва кичик тиббий ходим, ишлаб чиқариш хоналари фарроши) учун – 30 соат;
- суд-тиббий экспертиза бюросининг мурдалар ва мурда материаллари билан ишлаш чоғидаги суд-тиббий эксперт (шу жумладан, бўлим, бўлинма раҳбари) ҳамда мурдалар ва мурда материаллари билан ишлаш чоғидаги ўрта ва кичик тиббий ходим ходимлари учун – 30 соат;
- лабораториялар, бўлинмалар ва бўлимларнинг мурда қонини ва мурда тўқималарини тайёрлаш ва консервациялашда банд бўлган ходимлари учун – 30 соат;
- гамма-терапияда ва экспериментал гамма-нурлантиришда (радиоактив препаратлар қўлланган беморларга хизмат кўрсатиш палаталарида, гамма-курилмалар билан ишловчилар) бевосита банд бўлган ходимлар – 30 соат;
- радиоманипуляция кабинетларида ва лабораторияларида гамма-препаратлар, билан ишловчилар учун – 24 соат;
- Рентген спектрал, рентген тузилмали таҳлил, саноат рентгенографияси қурилмаларида ва рентген панжаралари растрларини назорат қилишда бевосита банд бўлган ходимлар учун – 30 соат;
- Рентген диагностикасида, флюорографияда, визуал назоратли ротацион рентген терапияси қурилмасида бевосита банд бўлган ходимлар учун 30 соат.

3.2. Ходимни унинг розилиги билангина ишдан ташқари вақтларда ишга жалб қилиш. Бунда иш сменаси 12 соатдан ортиқ бўлган ходимларни, оғир ва заарли меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни ва 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишдан ташқари вақтда ишга жалб қилмаслик.

***3.3. МКнинг 144-моддасида кўрсатилган ходимлар тоифалари билан бирга қўйидаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади:

- а) ижтимоий аҳамиятга молик касаллик бўйича ҳисобда турган ходимларга;
- б) бетоб оила аъзосини парваришилаётган ходимларга;
- в) тижорат банкларидан ипотека кредитини олган ёш оиласлар вакилларига;
- г) ишилаётган пенсионерларга.

***3.4. МКнинг 150-моддасида кўрсатилган ходимлардан ташқари қўйидаги ходимларга (1941-1945 йиллардаги уруши қатнашчилари ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлари, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёллар)дан ташқари яна қўйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра иши хақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда 14 календар кунга қадар таътил берилади:

- а) бетоб оила аъзосини парваришилаётган шахсларга;
- б) 30 ёшгача бўлган ёш оила аъзоларига;
- в) ишилаётган пенсионерларга.

Шунингдек жамоа шартномалари ва меҳнат шартномаси шартларида назарда тутмилган бошқа ҳолларда.

***3.5. Муассасанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, муассаса маблаги ва тежсалган маблағлар (муассасанинг моддий разбатлантириши ва ривожлантириши жамғармаси) ҳисобидан кўп йиллик иши стажига эга бўлган ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар ва бошқа имтиёзлар беришини муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномаларига киритилиши.

***3.6. Ходимларга иши куни (смена) давомида иши вақтига киритилмайдиган дам олиши ва овқатланиши учун танаффус бериши. Танаффус бериши ва унинг аниқ муддати ички меҳнат тартиби қоидаларида, смена графикларида ёки ходим билан иши берувчи ўртасидаги келишиувга биноан белгилаб қўйилади.

Ишлаб чиқарииш шароитига кўра дам олиши ва овқатланиши учун танаффус бериши мумкин бўлмаган ишларда иши берувчи ходимга иши вақтида овқатланиб олиши имкониятини таъминлаши шарт. Бундай ишларнинг рўйхати, овқатланиши тартиби ва жойи ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилади.

***3.7. Иши ўринлари аттестациядан ўтказилмаган муассаса ва ташкилотларда иши ўринлари аттестациядан ўтказилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга киритиш тартиби тўхрисида”ги қарорига, МКнинг 137-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаши муассасалари ходимларининг 1996 йил 1 апрелгача белгиланган таътиллар муддатини сақлаб қолиши.

***3.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сонли қарорининг 4-8 иловаларида ҳамда 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаши тартиби ва шартлари тўхрисидаги Низомнинг 2-иловасида келтирилган “Соғлиқ учун хавфли ва меҳнат шароитлари ўта хавфли бўлганлиги муносабати билан уларда ишлани ходимлар тариф ставкаларига қўшимча тўлов белгилashi ҳуқуқини берадиган муассасалар ва уларнинг бўлинмалари, шунингдек лавозимлар рўйхати”да келтирилган касб ва лавозимда ишловчиларга меҳнат таътиллари муддати асосий 15 кун, қўшимча таътил муддатини камида 12 кун қилиб белгилashi ва бунга иши жойлари аттестацияси бўйича ҳулосада белгиланган қўшимчаларни қўшган ҳолда амалга ошириши.

***3.9. Тармоқ ходимларининг 15 кунлик асосий меҳнат таътилига қўйидагича қўшимча таътил муддатларини белгиласи:

- тиббиёт ва фармацевтика ходимларига - камида 9 кун;

- мутахассислар (хисобчи, иқтисодчи, ҳўжалик ишлар мудири, мухандис, юрист маслахатчи, кадрлар бўлими ходимлари ва бошқалар)га - камида 9 кун;

- ииичи касбларда ишловчи ходимлар (хайдовчи, электромонтёр, дурадгор, чилангарсантехник, қоровул, бөгбон, фаррош, ховли супурувчи ва бошқалар)га - камида 3 кун.

***3.10. Айрим тоифадаги ходимларга қўйидагича қўшимча таътиллар белгилаши:

- Даволаши-профилактика муассасаларининг:

а) Логопед, сурдопедагог ва ўқитувчиларига, педагог ходимларига (тарбиячи методистлар), мусиқа раҳбарлари (сил касалликлари, юқумли касалликлар муассасалари (бўлимлари), эшитиши ва нутқдаги нуқсони бор болалар, марказий асаб тизими шикастланган ва ақли заиф болалар муассасаларидағи), шунингдек мактаб ёшидаги шундай муассасалар педагогика (ўқув) ишлари мудирларига - камида 33 кун, мактабгача ёшидаги шундай муассасалар педагогика (ўқув) ишлари мудирларига ҳамда вилоят ва республика шифохоналарининг ташкилий-методик бўлимлари методистларига - камида 21 кун;

б) коляскада юришини ўргатиши инструкторларига - камида 9 кун.

3.11. Айрим тоифадаги ходимларга қўйидагича йиллик узайтирилган асосий таътил бериш:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

- ишлаётган I ва II гурӯҳ ногиронларига – камида 30 календарь кун қилиб белгилаш ва бунга иш жойлари аттестацияси бўйича хulosада белгиланган қўшимчаларни қўшган ҳолда амалга ошириш.

3.12. Амалдаги қонунларда ва меъёрий ҳужжатларда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сонли қарори) назарда тутилмаган лавозимларда ишлаётган ходимларга қўшимча таътил олиш ҳукуқини жамоа шартномаларида белгилаш.

3.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун шароитлар яратиш, дам олиш ва байрам кунларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида дам олиш кунлари белгиланганда:

қўшимча дам олиш кунлари ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида эълон қилинган қўшимча дам олиш кунларидан ходим ҳақиқатда фойдаланганлигидан келиб чиқиб қисқартириш ҳисобига қопланади;

ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга Фармонда белгиланган қўшимча дам олиш кунлари қўшилади;

ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартириш ҳисобга олинган ҳолда ўн беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак;

бюджет ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотларда қўшимча дам олиш кунлари меҳнат таътилига қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда молиявий имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда жамоа шартномаларида белгиланади.

3.14. Жамоа шартномасида йиллик асосий таътилни олиш ҳукуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқишида МКнинг 142-моддаси талабларини инобатга олиш.

***3.15. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақтини белгилаши.

***3.16. Ишлаб чиқарши ёки педагогик фаолиятни илмий иш билан бирга қўшиб олиб бораётган шахсларга диссертациясини якунлаши, шунингдек дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар ёзиши учун асосий иш жойида ўртача ойлик иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда қўйидагича ижодий таътиллар бериш.

- номзодлик диссертациясини ва дарслеклар ҳамда ўқув-услубий қўлланмаларни тугаллашлари учун муаллифларга 3 ойгача;
- докторлик диссертациясини тугаллаши учун 6 ойгача бўлган муддатга ижодий таътиллар берииш.

***3.17. Куйидаги ҳолларда ходимларга бир марталик ҳақ тўланадиган қўшиимча таътил бериш:

- яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуши ўртогининг ота-онаси, турмуши ўртоги, фарзандлари, тужишиган ака-укалари ва опа-сингиллари) вафот этганда - 3 кун;
- фарзанд тугилганда (отасига) - 1 кун;
- фарзандларининг никоҳ тўйларида - 3 кун;
- ходимнинг никоҳ тўйларида - 3 кун.

3.18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 июндаги 298-сонли қарорининг 3 қисмига мувофиқ ОИТС касаллигига чалинган беморларни даволаш-профилактика қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ҳамда иммунитет танқислик вируси билан бевосита ишловчи ходимларнинг меҳнат таътилларини 36 иш куни қилиб, касби туфайли вирус билан заарланган ҳолларда саломатлигига етказилган зарар учун бир йўла тўланадиган пул товони миқдорларини соғлиқни сақлаш тармоғида ишловчи бир ходимнинг ўртacha ойлик маошининг уч йиллик ҳажмида белгилаш.

3.19. Пандемия даврида карантин қоидалари кучайтирилганда ходимлар иш берувчилар томонидан ўз ҳисобидан таътилга мажбурий равишда йил давомида 3 ойдан ортиқ муддатга чиқариб юборилганини инобатга олиб, Солиқ Кодексининг 374-моддаси 2-бандида назарда тутилган, иш ҳақи қисман сақлаб қолинган ҳолда мажбурий таътил бериш.

Вилоят кенгашининг мажбуриятлари:

***3.20. Бошқарма тасарруфидаги муассасалар ходимларининг меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишилаб чиқшида қатнашиш.

***3.21. МКнинг моддалари кўрсатилган ҳолда жамоа шартномалари орқали ҳал қилиниши шарт ёки мумкин бўлган имтиёзлар ва кафолатлар рўйхатини ишилаб чиқши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча соғлиқни сақлаши муассасаларига етказилишини таъминлаш.

Хамкорликдаги мажбуриятлар:

***3.22. Иш ҳафтаси турини белгилашда, иши вақти режимининг турли ҳил варианtlарини қўллашда, муддатлари чегараси белгиланган иши вақтини ўрнатишда, бир қатор касблар ва ишилар учун иши кунини қисқартиришида, ҳар ҳафталик дам олиши ва байрам кунларида иши берувчи ишига жалб қилиши ҳуқуқига эга бўладиган асос(ҳолат)ларни аниқлашда, шунингдек, МКга мувофиқ бартараф этилиши лозим бўлган бошқа масалаларда тармоқ муассасаларига услубий, амалий ёрдам кўрсатиш.

IV.МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ, КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТАРЗИДАГИ ТЎЛОВЛАР

Бошқарманинг мажбуриятлари:

4.1. Тармоқдаги барча муассасаларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашда МКнинг талабларига риоя қилинишини, тармоқдаги мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча муассасалар ходимларига ойлик иш ҳақини Ягона тариф сеткасининг 1-разряд ставкасидан кам бўлмаган миқдорда тўланишини таъминлаш.

4.2. Бошқарма тасарруфидаги бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилотларда ишловчи тиббиёт ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткаси”да белгиланган разрядлар асосида амалга ошириш. Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан маҳсус унвон, кўп йиллик хизматлари учун устама ва қўшимча тўловлар, соглик учун хавфли ва меҳнат шароитлари ўта хавфли бўлган муассасаларда ишловчи ходимларнинг тариф ставкаларига тўланадиган қўшимча тўловларнинг фоиз миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 276-сонли қарори билан тасдиқланган “Меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низом”га мувофиқ амалга ошириш.

4.3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекциясига қарши курашиш даврида тиббиёт ва бошқа ходимларга моддий рағбалантириш тўловлари амалдаги меъёрий хужжатларга мувофиқ тўланади.

4.4. Муассасаларда меҳнат қилаётган нотиббий ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 06 сентябрда 743-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига сақланадиган ташкилотларда банд бўлган хизматчиларнинг кенг тарқалган лавозимлари ходимлари айrim тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар”га асосан муассасаларда банд бўлган универсал касблар мутахассислари ва хизматчиларнинг лавозим разрядларини белгиланган тартибда қўйидагича ошириб боришини таъминлаш:

1.	Ташкилотнинг хўжалик ва муҳандислик-техник хизмат кўрсатиш бўйича хизмати, ташкилотнинг метрологик ва бошқа хизматлари, кадрлар бўлими бошлиги	10
2.	Архив, кутубхона, канцелярия, устахона, хўжалик мудирлари	7
3.	Омбор мудири	5
4.	Етакчи муҳандислар, етакчи мутахассислар, етакчи инспекторлар	9
5.	Катта муҳандислар, катта мутахассислар ва катта инспекторлар	8
6.	Олий маълумотли муҳандислар, мутахассислар ва инспекторлар	7
7.	Олий маълумотли бўлмаган мутахассислар ва инспекторлар	6
8.	Барча номлардаги механик, техниклар, операторлар ва лаборантлар	6
9.	Агент, маъмур, раҳбарнинг котиби, иш юритувчи, инкассатор, ётоқхона коменданти, кассир (шу жумладан, чипта сотадиган кассир), нарядчи, табелчи, экспедитор	5
10.	Рухсатнома бериш бюроси навбатчиси, ётоқхонада навбатчи, хўжалик бекаси	3

Изоҳлар:

1. Агар хизматчиларнинг лавозимлари бўйича айrim норматив-хуқуқий хужжатларда меҳнатга ҳақ тўлаши бўйича юқорироқ разрядлар белгиланган бўлса, меҳнатга ҳақ юқорироқ разрядлар бўйича тўланади.

2. Ушибу жадвалда кўрсатилмаган лавозимлар учун меҳнатга ҳақ тўлаши бўйича разрядлар бюджет ташкилоти (давлат корхонаси) юритишида бўлган тегишили вазирлик (идора) томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

3. Мураккаб техник ускунага хизмат кўрсатishi билан банд бўлган муҳандисларга Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишган ҳолда оширилган разряд (I разряд юқори) белгиланиши мумкин.

4.5. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисми ўртасидаги мақбул нисбатни давлат томонидан ва жамоа шартномалари воситасида ўрнатилиши мумкин.

4.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланган “Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик

қўшимча таътилнинг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иқлим шароитлари оғир ва нокулай бўлган жойлар рўйхати”да кўрсатилмаган табиий-иқлим шароитлари оғир ва нокулай бўлган айrim жойларда ишлаганлик учун устамалар ва қўшимча таътиллар қўлланилиши тўғисидаги шартларни нобюджет ташкилотларининг жамoa шартномаларида назарда тутиш.

***4.7. Бюджетдан ҳамда ўз-ўзини (аралаш) молиялаштириладиган муассасаларда ходимларнинг иши ҳақи ва ставкалари Ўзбекистон Республикасида белгиланган Ягона тариф сеткаси бўйича (вақтбай), ҳамда ишлаб топилган фойданинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорида (ишбай) белгилаш, иши ҳақига бериладиган фоиз ставкаларининг аниқ миқдорини жамoa шартномаларида белгилаб қўйши.

***4.8. Акциядорлик жамиятига айлантирилган Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ходимларини, акцияларнинг 49% бўйича тўланадиган дивидендер ҳисобидан, уларнинг пировард молиявий натижалардаги меҳнат улушига қараб, ҳар йили моддий разбатлантириши ҳисоб-китоби қўйидаги тартибда амалга ошириш:

- дивидендернинг умумий қийматининг 10 % гача миқдори раҳбарлар таркибини моддий разбатлантиришга йўналтириш;
- дивидендернинг қолган суммасини меҳнат жамоасини моддий разбатлантиришга йўналтириш.

***4.9. Хусусий муассасаларда тиббиёт ва фармацевтика ходимлари тариф ставкаларини белгилаш тартиби, улар учун меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлар, иши соглиқ учун хавфлилиги ва меҳнатнинг ўта оғир шароитлари муносабати билан ходимларининг тариф ставкаларига қўшимча тўловлар, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг тариф ставкаларига қўшимча тўловлар ва устамалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низоми” талабларида кам бўлмаган холда, шунингдек, ходимларнинг пировард молиявий натижалардаги меҳнат улушига қараб белгилаш.

4.10. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисми ўртасидаги мақбул нисбатни давлат томонидан ва жамoa шартномалари воситасида ўрнатилиши мумкин.

4.11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланган “Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иқлим шароитлари оғир ва нокулай бўлган жойлар рўйхати”да кўрсатилмаган табиий-иқлим шароитлари оғир ва нокулай бўлган айrim жойларда ишлаганлик учун устамалар ва қўшимча таътиллар қўлланилиши тўғисидаги шартларни нобюджет ташкилотларининг жамoa шартномаларида назарда тутиш.

4.12. Соғлиқни сақлаш муассасаларида хизмат қилаётган ходимларга иш ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 марта 88-сонли “Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан иш ҳақи тўловлари кечиктирилгани учун муассаса раҳбарларининг масъулиятини ошириш мақсадида, иш ҳақи тўловларини иш берувчининг ёки банк муассасасининг айби билан кечиктирилган ҳар бир куни учун тўланиши лозим бўлган сумманинг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўланишини амалга ошириш.

4.13. Ходимларнинг ишга бўлган муносабатини янада яхшилаш мақсадида муассасаларни моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасидан қўйидаги қўшимча тўловлар берилишини таъминлаш:

- мукофот - бир йилда камида бир ойлик маоши миқдоригача;

- моддий ёрдам - бир йилда бир ойлик маоши миқдоригача;

***- ходимларга моддий ёрдам фавқулодда ҳолларда уларнинг мурожсаатига кўра ёки тегишили тиббиёт муассасаси касаба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси билан (яқин қариндошларнинг (турмуш ўртоги, фарзандлари, ота-она, ака, ука, опа, сингил) вафот этиши, оғир жароҳатлар олиши, касал бўлиши, табиий оғатлар оқибатлари, бошқа шунга ўхшаш ҳолларда) молиявий имкониятдан келиб чиқиб, лекин Ўзбекистон Республикасида белгиланган Меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори 1 баробаридан кам бўлмаган миқдорида берилиши мумкин.

***4.14. Меҳнатда майиб бўлган ва касб касалликларига чалинган ходимларга тиббий меҳнат экспертизаси комиссиясининг ҳолосасига асосан санаторияларга йўлланма қийматини қисман қоплаши.

4.15. МКнинг 180-моддасига биноан меҳнат учун рағбатлантириш барча давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббиёт, фармацевтика ва бошқа ходимларни моддий рағбатлантириш “Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси” маблағлари ҳисобига махсус комиссия қарори билан амалга ошириш.

4.16. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш миқдори ходимнинг ўртacha иш ҳақидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги “Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 71-сон қарорига асосан:

- иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, байналминал-жангчилар ва уларга тенглаштирилган шахслар, қарамоғида 16 ёшга етмаган (18 ёшгача ўқувчилар) уч ва ундан ортиқ фарзанди бўлган шахслар, Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини тугатишида иштирок этганлар ва шу ҳалокат натижасида радиактив заарланган зоналардан эвакуация қилинганлар ва кўчирилганлар, оғир касалликларга (ўткир лейкоз, adenoma, саратон) дучор бўлганлар, ҳарбий хизматни ядрорий полигонлар ва бошқа радиактив-ядровий объектларда ўтаган пенсия ёшидаги ногирон-ходимларга, шунингдек меҳнат жароҳати ва касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўлган ходимларга - тўлиқ иш ҳақи миқдорида;

- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича рўйхатда турган ходимларга умумий иш стажига боғлиқ ҳолда - иш ҳақининг 60% дан 100% гача;

- бошқа холатларда умумий иш стажига боғлиқ ҳолда - иш ҳақининг 60% дан 80% гача.

4.17. Иш вақтидан ташқари ишлар учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўлаш, тунги вақтдаги ишлар учун 22.00 дан 06.00 гача бўлган даврдаги иш вақтига бир ярим баравар миқдорда ҳақ тўлаш.

***4.18. Смена ёки навбатчилик асосида иш ташкил этиладиган соғлиқни сақлаш муассасаларида ходимларнинг навбатчилик вақтидаги соат 18.00 дан 22.00 гача бўлган даврдаги иш вақтини “кечки вақт” ёки “кечки смена” сифатида белгиланади ва бу вақтда ишининг хар бир соати учун камида 1,25 баравар миқдорда ҳақ тўланади.

***4.19. Республикада белгиланган байрамлар (1 январ, 8 март, 21 март, 9 май, 1 сентябр, 1 октябр, 8 декабр, Рўза ва Қурбон хайитларининг биринчи кунлари)да иш графиги асосида ишлаганлик ёхуд иш берувчининг фармойишига асосан шу кунларда ишга жалб этилган муассасаларнинг барча ходимларига, шунингдек дам олиши кунлари (якишанба) кунлари ишлаганлиги, ёхуд сменада турганлиги учун икки ҳисса миқдорида иш ҳақи тўлаш.

4.20. Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ қўшимча харажатлар (МК 171, 172, 173-моддалар) қонун хужжатлари, жамоа шартномалари ва келишувлари, шунингдек меҳнат шартномаларида белгиланган шартлар ва тартибда иш берувчи томонидан қоплаш.

4.21. МКнинг 166-моддаси талабини бажариш мақсадида ходим меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариши вақтида (малака ошириш, хизмат сафарида

бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш ва бошқа ҳолларда) тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслигини таъминлаш.

***Шунингдек, иши берувчининг ташаббуси билан ходим ихтисосликка қайта тайёрлашга юборилганда, ўқии харажатларини қоплаш ҳамда ўртача иши ҳақини сақлаб қолиш.

4.22. Ходимларнинг хизмат сафари давридаги суткалик ҳаражатларини (малака ошириш хизмат сафари деб ҳисобланмайди) МК 171- моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 2003 йил 24 июлдаги 83, 7/12-сон қўшма қарорлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бўйлаб хизмат сафари тўғрисидаги йўриқномага асосан қоплаш; (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2003 йил 29 августда 1268 рақам билан рўйхатга олинган).

4.23. Асосий ишидан ажралган ҳолда тиббиёт ходимлари малакасини ошириш курсларига юборилган тингловчиларнинг бутун ўқиш даврида асосий иши жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолинади;

малакасини ошириш бошқа шаҳарга юборилган тингловчиларга ўқиш жойига бир марта келиш ва кетиш, шунингдек, меҳмонхона ҳаражатлари юборувчи томонидан қопланади.

4.24. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқарма тасарруфидаги муассасаларда ишловчи барча пенсионерларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаб берилади.

4.25. Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига бюджетдан ажратилиши лозим бўлган маблағни 5 % гача етказиш.

***4.26. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқарма тизимидағи муассасалар тиббий ва нотиббий ходимларнинг малака тоифасини ошириб боришига қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириши ва бунга ходимлар реал даромадларини ошириб борилишининг самарали механизми сифатида қараши.

***4.27. Уйда навбатчилик ташкил этиладиган муассасаларда бундай ходимларга нисбатан навбатчилик жадвали ишлаб чиқилади, унинг муддати иши вақти меъёрига киритилади ҳамда умумий асосларда ҳақ тўланади.

Иши графиги бўйича уйда навбатчиликда турган ходим зарурат тугилганда меҳнат вазифаларини бажаршига тайёр туриши шарт.

4.28. Тез тиббий ёрдам бригадалари ҳайдовчиларига уларга беморларни ташиб бўйича қўшимча равишда юклатилган функцияларни бажаргани учун, агар санитар штати мавжуд бўлмаса, тариф ставкасида 30 foiz миқдорида устама тўланади.

4.29. Иши берувчининг розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулқдан фойдаланганда транспорт воситаларининг амортизацияси ва улардан фойдаланганлик учун қилинган ҳаражатлар, шунингдек асбобларнинг, техник воситаларнинг ёки ўзга мол-мулкнинг амортизацияси иши берувчи ҳисобидан тўлаб берилади.

4.30. Мулк шаклидан қатъий назар тармоқда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган “Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисида Низом” талаблари тадбик қилинишини;

кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иши берувчилар томонидан касаба ўюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда жамоа шартномасига киритиш.

4.31. Бандлик ва Меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг 2019 йил 22 январдаги 2-2019/ҚҚ, 9 ва 1-103-сон қарори билан тасдиқланган “Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги Низом” талабларига асосан қатъий риоя этиш.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 23.01.2019 йилдаги 3130-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом талаблари асосида ҳайдовчиларга устама ва қўшимча ҳақ белгилаш.

Вилоят Кенгашининг мажбуриятлари:

***4.32. Барча соғлиқни сақлаш ташкилотларида ходимларининг ижтиёмоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида муассасанинг иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, қонунлар ва бошқа норматив ҳуҗжатлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда кўрсатилганидан имтиёзлироқ меҳнат ва ижтиёмоий-иктисодий шартларни белгиловчи жамоа шартномалари тузилишига эришии.

Хамкорликдаги мажбуриятлар:

4.33. Маҳаллий бюджетлар балансида турган соғлиқни сақлаш муассасаларини маблағ билан таъминлаши даражасини таҳлил қилиши. Таҳлил натижаларига кўра ўзгартишилар, тузатишлар киритиши учун таклифлар бериши.

4.34. Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатларини МКнинг 161-моддаси талабига мувофиқ белгилаш.

***4.35. Барча даражадаги аттестация комиссиялари таркибига касаба ююима вакилларининг киритилишини таъминлаши.

***4.36. Соҳани ривожлантиришига қўшган ҳиссаси ва эришган ютуқлари учун ходимларни моддий ва маънавий рагбатлантириб бориши.

***4.37. Кам таъминланган ва кўп болали оиласлар, бокувчисини йўқотган оиласлар фарзандларига ҳамда ногирон-болаларга болалар оромгоҳлари йўлланмалари қийматларини молиявий имконият даражасида иш берувчи ҳисобидан қоплаши.

***4.37. Тармоқ миқёсида илмий асосланган меҳнат меъёrlарини ишлаб чиқиши учун шарт-шароит яратиш орқали меъёрий негизни ривожлантириши ишларини давом эттириши.

4.38. Тармоқ тизимидағи муассасаларнинг барча номланишдаги ўқитувчилар, шунингдек, логопедлар учун иш хақи меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси разрядлари асосида тўланади.

***4.39. Тармоқ тизимидағи муасасалар қоровуллар меҳнатига ҳақ тўлашида талаб этиладиган касбий талабларни бажарии даражасидан келиб чиқсан холда разрядларини қўйидагича белгилаши:

- меҳнат стажи 1 йилгача – 1- разряд;
- меҳнат стажи 1 йилдан ортиқ – 2- разряд.

вақтига мутаносиб тарзда амалга оширилади. Бунда иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу жумладан иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ўз вақтида аниқ ҳисобга олиб бориши ва иш вақтидан ташқари ишнинг энг кўп муддати сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда - бир кунда икки соатдан) ва йилига бир юз йигирма соатдан ортиқ бўлмаслигини таъминлаши лозим.

***4.40. Тармоқ бўйича ходимларга иш хақи тўлаши вақтбай, ҳақиқатда ишлаган иш вақтига мутаносиб тарзда амалга оширилади. Бунда иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу жумладан иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ўз вақтида аниқ ҳисобга олиб бориши ва иш вақтидан ташқари ишнинг энг кўп муддати сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда - бир кунда икки соатдан) ва йилига бир юз йигирма соатдан ортиқ бўлмаслигини таъминлаши лозим.

***4.41. Муассасалар жамоа шартномаларига киритиши орқали бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан муассасада узоқ йиллар ишлаб нафақага чиқсан, хозирда

мехнат қилаётган, кам таъминланган ходимлари, ўзига тегишили даволаши-профилактика муассасаларида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиши, даволаниши ва дам олишларини имтиёзли ҳамда бепул ташкил этиши мумкин.

4.42. Ходимнинг айбисиз юзага келган бўш туриб қолишлар учун ўртача иш ҳақининг сақланишини таъминлаш.

4.43. Бевосита тармоқ тизимида амалий фаолият билан шуғулланаётган "Халқ" ва "Хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвонлари эгалари учун тўловлар Республикада белгиланган Мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 1 баравари, "Хизмат қўрсатган" фахрий унвони соҳиблари учун 1,6 баравари миқдорида тўлов белгилаш.

***4.44. *Бошқарма ва Вилоят кенгашининг қўйима қарорига асосан ҳамкорликда ўтказиладиган кўрик-танловлар, маданий-маърифий ва спорт тадбирларида, туризм ва бошқа тадбирларда иштирок этган ходимларга, тадбирларда иштирок этган даврида иш жойида ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.*

V. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

5.1. Муассасаларда иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси билан келишилган холда ходимларнинг лавозим йўриқномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари ҳамда жамоа шартномаларини иловалари билан локал меъерий хужжатлар сифатида тузилади ва меҳнат интизоми тартибга солинади ҳамда барча ходимлар таништирилиши таъминланади.

5.2. Барча муассаса ходимларига интизомий жазо чораларини қўллашда МКнинг 181, 182, 183, 184- моддалари ва ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъи амал қилиш.

****Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиши, меҳнат муносабатлари жараёнида ходимларнинг ҳуқуқ ва ваколатларига амал қилинишини таъминлаши мақсадида муассасаларда юридик, ходимлар бўлими ва меҳнатни муҳофаза қилиши хизмати ходимларнинг ҳамда касаба уюшмалари фаолларининг ҳуқуқий ва маънавий билимларини ошириб бориши.*

5.3. МКнинг тегишли моддаларида кўзда тутилган талаблар асосида муассасаларда ички меҳнат тартиби қоидалари ишлаб чиқилишини таъминлаш.

5.4. Муассасаларда иш берувчи ва ходимлар вакилларидан иборат тенг сонли якка меҳнат низолари комиссияларини тузиш (ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 135-Конвенцияси З-моддасига биноан “меҳнат низолари комиссиялари аъзолари” ва “меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар” меҳнаткашлар вакиллари сифатида эътироф этилади).

VI. МЕҲНАТ ҲАВФСИЗЛИГИ ВА ГИГИЕНАСИ

Бошқарманинг мажбуриятлари:

***6.1. *Бошқарма тасарруфидаги муассасаларда меҳнат қилаётган барча бўлим мудирлари ва меҳнатни муҳофаза қилиши хизмати мутахассисларини меҳнатни муҳофаза қилиши бўйича ўқитишини ташкил қиласди ҳамда билимларни текшириб, тегишли гувохномалар билан таъминлайди.*

6.2. Муассасаларда “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнгин ҳавфсизлиги бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги Низом”га асосан меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш.

***6.3. *Касаба уюшмаси билан биргаликда ишлаб чиқаришида жароҳатланиши ва касб касалликларининг олдини олиши бўйича тармоқ дастурини ишлаб чиқши ва бажарилишини таъминлаши.*

***6.4. *Бошқарма тизимидағи ҳар бир муассаса ва ташкилотларда жамоа шартномаларини тузишда амалдаги қонунларга мувофиқ меҳнат муҳофазаси тадбирлари*

учун зарур бўлган миқдорларда маблағ ажратилишини ва уларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш.

6.5. Ходимларни ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ходисалар ва касб касалликларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари” талабларига мувофиқ ҳолда сугурта қилиш.

***6.6. Тармоқ муассасаларидаги ҳар бир иши берувчи меҳнатни муҳофаза қилиши учун зарур бўлган маблагларни қонун хужжатларида, жамоа шартномасида, шунингдек жамоа келишиувларида ҳамда муассасанинг меҳнатни муҳофаза қилиши Битимида белгиланадиган миқдорда ажратади. Шунингдек, Меҳнатни муҳофаза қилиши тўғрисидаги қонуннинг 18-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 25 августдаги 1998-сон билан рўйхатга олинган “Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт ишлаб чиқаришлари ходимлари учун маҳсус кийим, маҳсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиши воситаларини бепул беришининг Намунавий меъёрлари га асосан меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари ҳамда ҳар бир ходимни ойига 400 гр.дан кам бўлмаган миқдорда гигиена (ювии) воситалари билан таъминлайди. Бундай ишларнинг рўйхати ва уларни бериши меъёрларини жамоа шартномаларида белгилайди.

Шунингдек, барча ходимлар шахсий ҳимоя ҳамда антисептик, дезинфекция воситалари билан таъминланади.

6.7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонуннинг 33-моддасига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликлари га чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган заарни тўлаш қоидалари”га асосан бир марталик нафақа тўлайди:

***- ходимнинг соғлигига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш учун жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар бўлган ўртача ойлик иши ҳақига нисбатан жабрланувчи томонидан касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасига мувофиқ бўлган фоизлардаги ҳар ойлик тўлов, шунингдек ходимнинг икки йиллик иши ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўлови ҳамда ходимнинг соғлиги шикастланишидан келиб чиқсан қўшимча харажатларни (агар у даволаниши, протез қўйдирishi ва тиббий ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига муҳтож деб топилган бўлса, ушибу тадбирлар билан боғлиқ харажатлар, шунингдек жабрланувчининг қайта тайёргарлиги ва тиббий холосага мувофиқ ишга жойлашиши учун харажатлар ва бошқа харажатлар) компенсация қиласи.

- ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида ходим вафот этган тақдирда, заарнинг ўрни қопланиши ҳукуқига эга бўлган шахсларга бокувчининг вафоти билан боғлиқ ҳолда етказилган заарнинг ўрнини қоплаш учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳар ойлик тўловларни, шунингдек вафот этган ходимнинг ўртача йиллик иши ҳақининг олти бараваридан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўлашни ва дафн этиш билан боғлиқ сарф-харажатларини ҳам ўз зиммасига олади.

***6.8. Иш берувчилар Меҳнат кодексининг 214-моддаси талаблари, “Меҳнатни муҳофаза қилиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддаси талаблари асосида ходимларни дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан бепул (ВИЧ, гепатит A,B,C ва хоказолар ҳам шулар жумласидан) ўтказишни ташкил қиласи.

6.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Муассасалар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни

муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом”га асосан:

***нодавлат ва хўжалик ҳисобидан фаолият юритаётган муассасаларда меҳнатга ҳақ тўлаши фондининг 2 фоизи миқдорида;

*** бюджетдан молиялаштирилаётган муассасаларнинг моддий техника базасини ривожлантиришига модернизация қилишига ва таъмирлашига йўналтириладиган маблагнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида меҳнатни муҳофаза қилиши фондини ташкил этади ва бу маблаглар ходимларнинг меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиши ишларини яхшилаши, шаҳсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда санитария-соғломлаштириши чора-тадбирларини молиялаштириши мақсадларида сарфлайди.

***6.10. Муассаса ва ташкилотлардаги меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакилларни разбатлантириб боради.

***6.11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июлда 286-сонли қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа ҳил зарарланишини текшириши ва ҳисобга олиши тўғрисидаги Низом” талабига асосан оқибати ўлим билан тугаган баҳтсиз ҳодисаларни таҳлил қиласи ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, вилоят соглиқни сақлаш бошқармалари ва Бошарма йигилишларида муҳокама қилиб боради.

***6.12. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 04.04.2017йил № 6-44“с” қарори билан тасдиқланган тавсияларга кўра меҳнат муҳофазаси бўйича битими тузиши ва уни молиялаштириши чораларини кўради.

***6.13. Тиббиёт обьектларини ва тиббиёт воситаларини синаши ҳамда фойдаланишига қабул қилиши бўйича комиссиялари таркибига Вилоят Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиши хизмати ходимлари киритилишини таъминлаши.

6.14. Иш берувчи ҳар беш йилда камида бир марта “Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом” асосида иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан биринчи навбатда қуидаги иш ўринларини аттестациядан ўтказилишини таъминлайди:

-меҳнат шароитлари бўйича ходимларга белгиланган тартиба имтиёзлар ва компенсациялар назарда тутилган иш ўринлари (Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида НИЗОМнинг 2-иловаси);

- ногиронлар банд бўлган иш ўринлари;

- имтиёзли тарзда пенсияга чиқиши хуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва кўрсаткичлар (ВМ 1994 й 250-сонли қарори 2-рўйхат 1 қисми, 3 рўйхат 1 қисми).

6.15. Ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича хизмати мутахассиси лавозими жорий этилади.

6.16. Иш берувчи муассаса худудида ва унинг ташқарисида, шунингдек иш берувчи берган транспортда ишга келиш ёки ишдан кетиш вақтида ходимнинг соғлигига меҳнат жароҳати билан етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

6.17. Пандемия даврида меҳнат шароити зарур бўлган ва навбатчиликда вахта услубида ишловчи ходимларни ишга бориб келиши учун иш берувчи томонидан транспорт воситаси билан таъминлаш.

Вилоят Кенгашининг мажбуриятлари:

***6.18. Меҳнат муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни экспертизадан ўтказиши.

***6.19. Касаба уюшма аъзоларига меҳнат муҳофазаси бўйича бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб бориши.

***6.20. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва Меҳнатни муҳофаза қилиши қоидаларига риоя этилишини текшириши ва назорат қилиши.

***6.21. Бошқарма тасарруфидаги муассасалар ходимларини меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашиши.

***6.22. Бошқарма тасарруфидаги муассасалар ходимларига, амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган имтиёзлар берилшиши устидан назорат олиб бориши, керак бўлган ҳолларда уларни меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво аризаси билан судга мурожсаат қилиши.

***6.23. Меҳнатни муҳофаза қилиши масалаларида касаба уюшма фаолларига ва иши берувчи вакилларига ташкилий, ҳуқуқий ёрдам бериси ва уларни ўқишилашга кўмаклашиши.

***6.24. Меҳнат шартномаси асосида муассасаларида ишилаётган ходимларни, иши берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиши тўғрисидаги қонун талаблари бажарилишини назорат қилиши.

VII. МАЬНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШ, МҲНАТКАШЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Вазирликнинг мажбуриятлари:

***7.1. Муассасаларда “Маънавият ва маърифат” хоналарини, кутубхоналарни Президент асалари, Мустақиллик йилларида чоп этилган янги адабиётлар, плакатлар ҳамда техник воситалар билан таъминлаши.

***7.2. Бошқарма тасарруфидаги муассасалар ходимларини, саломатлигини мустаҳкамлаши, уларни спорт билан мунтазам шугулланишиларини ташкил этиши мақсадида тасарруфидаги жисмоний тарбия ва спорт инишоотларини зарур асбоб-ускуна, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминлаши.

Вилоят Кенгашининг мажбуриятлари:

***7.3. Маънавият ва маърифат соҳасидаги ислоҳотларни давлат сиёсатининг асосий, устивор йўналиши деб ҳисоблаш ва самарадорлигини ошириши борасида тизимдаги маънавият хоналарини, кутубхоналарни Президент асалари, ўзбек адаблари ва бугунги кун талабига биноан керакли адабиётлар билан таъминлаши даражасини ошириши. Маънавият ва маърифат соҳасидаги Давлат сиёсати, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини ҳамда маънавий-маърифий тушунчаларнинг моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали тарзиб қилиши.

***7.4. Ёшлишимизни фидоий, билимдон, ватанпарвар, соглом тафаккурга эга бўлишилари, гоявий бўшилиқча йўл қўймаслик, гиёҳвандлик ва ОИТС касаллигининг олдини олиши бўйича мунтазам машгулотлар, тарбиявий ишлар олиб бориши, ёши изходкорлар клубларига, спорт секцияларига жсалб қилишининг оммавийлигини таъминлаши.

***7.5. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Конунини, Президент Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажарииш мақсадида соҳа ходимларини, ёшларни, талабаларни, болаларни мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спортга жсалб қилиши, оммавийлигини ошириши бўйича аниқ чоратадбирларни ҳаётга татбиқ этиши, айниқса соҳа ходимлари ва талаба-ўқувчилар ўртасида оммавий спортни ривожлантириши, мусобақалар, спартакиадалар ва Универсиадалар, спорт ўйинларини юқори савияда ўтказиши мақсадида олий ва ўрта

махсус касб-ҳунар колледжлари спорт базаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таъмирлаш, керакли спорт жиҳозлари билан таъминлаши масалаларини шартнома ва келишувларда акс эттириши.

***7.6. Санаторий-курортларга ва даволаниши масканларига касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан бериладиган йўлланмаларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати томонидан 2013 йил 26 январдаги 9-24 сонли қарори билан тасдиқданган “Санаторий ва дам олии уйларига бериладиган имтиёзли йўлланмалардан фойдаланишига оид Йўриқномалар”га риоя қилинган ҳолда тақсимланишини таъминлаши.

Хамкорликдаги мажбуриятлар:

***7.7. Ёз мавсумида ходимлар фарзандларини болалар согломлаштириши оромгоҳларида согломлаштирилишини ташкил этишига қаратилган тизимли чоратадбирларни амалга ошириб бориши.

***7.8. Болалар согломлаштириши оромгоҳларида “Мехрибонлик” уйлари тарбияланувчиларидан етим болаларни, шунингдек Оролбўйи минтақасида истиқомат қилувчи болаларни республиканинг экология жиҳатидан қулай минтақаларида согломлаштирилишига кўмаклашиб бориши.

***7.9. Жамоа шартномалари ва келишувлар орқали кўп болали ва кам таъминланган оиласлар вакилларига, уруши ва меҳнат фахрийларига согломлаштириши учун моддий ёрдам кўрсатиб бориши.

***7.10. Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида ҳар бир муассасада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оиласларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили Наврӯз ва Мустақиллик байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ хайрия хашарларини ташкил қилиши ва ўтказиши.

***7.11. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соглом турмуши тарзини тарзибот қилиши мақсадида тарафлар қўйидагиларни ўз зиммасига оладилар:

а) Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун махсус жиҳозланган хона ёки спорт майдончалари ташкил этиши, жисмоний тарбия жамоаларини тузии ва уларнинг ишини жонлантириши;

б) Ходимларни спорт кийимлари ҳамда спорт анжомлари билан таъминлаши;

в) Технология, ишлаб чиқарши ва иши шароитларидан келиб чиқиб, ходимларга ишлаб чиқарши гимнастикаси машқларини бажарши учун иши вақтига киритиладиган махсус танаффуслар жорий этиши;

г) Ҳафтасига камида бир маротаба ходимларнинг жисмоний тарбия-оммавий спорт тадбирларида (югуриши, сузиши, футбол, волейбол, баскетбол, теннис ва бошқаларда) шитирок этишини назарда тутадиган “Саломатлик куни”ни ташкил этиши;

д) Жамоат ташкилотлари ва жамгармаларни жалб этган ҳолда, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий спортга, турли спорт секциялари, тўгаракларига жалб этиши ҳамда улар ўртасида спартакиадалар ва спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириши.

е) Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси билан алоқаларни мустаҳкамлаши.

ё) Соглом турмуши тарзи ва оммавий спортни ривожлантириши мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга “Спорт тарзиботчиси” қўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига 20 фоизи миқдорида устама белгилаши.

***7.12. Соғлиқни сақлаши ходимлари учун бадий ҳаваскорлик танловларини, “Ҳамишира” ва бошқа касбга доир кўрик-танловларини ташкил этиши.

***7.13. Бошқарма ва Вилоят Кенгашининг қўшима қарорлари асосида ўтказилган қўшима тадбирлар, танловлар шитирокчи ва голибларини муассасанинг моддий

рағбатлантириши ва ривожлантириши жамғармаси хисобидан низомларида белгиланган миқдорда рағбатлантириб борилади.

*****7.14.** *Бошқарма тасарруфидаги муассасалар ходимлари ўртасида соглом турмуши тарзини тарғиб қилиши, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиши бўйича зарарли одатларга қарши биргаликда курашиши.*

*****7.15.** *Йил давомида касаба уюшмалари ва иши берувчилар томонидан ходимларни республикамизнинг тарихий шаҳарларига ва ўз ҳудудларидаги дикқатга сазовор жойларига саёҳатлари ташкил этиб борилади.*

*****7.16.** *Бошқарма тасарруфидаги муассасаларда фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари бир нафар кузатувчи билан бирга бир йилда бир марта ўзлари учун мақбул бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаши вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-согломлаштириши муассасаларида ҳамда Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги «Ўзбекистон» курорт-согломлаштириши акциядорлик жамиятининг санаторийларида согломлаштириши курсидан бепул согломлаштириши.*

7.17. 11 ноябрь – касаба уюшмалари куни деб белгиланганлиги муносабати билан ҳар иили ташкилот ва муассасаларда касаба уюшмалари кунига бағишлиланган маданий-маърифий ва спорт-согломлаштириши тадбирлари, касаба уюшмаси фаолиятига дахлор кўрик-танловлар, конференция, форум, семинар, тренинг ва ижтимоий шериклар билан учрашувлар ўтказши.

ВІІІ. АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ, АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШГУЛ ШАҲСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КаФОЛАТЛАР

Бошқарманинг мажбуриятлари:

8.1. Уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддатини белгилаш.

8.2. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан тўлиқсиз иш куни ёки иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин. Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига қўра, иш берувчи тиббий хulosага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтасини белгилаш.

8.3. Ҳомиладорлик ва туғишинафақасини ҳомиладорлик ва туғиши таътилининг бутун даврида тўлиқ иш ҳақи миқдорида тўлаш.

8.4. Ҳомиладор аёлларни тиббий кўрикдан ўтишлари учун, иш берувчи томонидан уларнинг ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш (агар мазкур кўрикни ишдан ташқари вақтда ўтказиш имконияти бўлмаса).

8.5. Ҳомиладор ва боласи бор аёллар учун МКда кўзда тутилган кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олади.

8.6. Меҳнат шароити нокулай ишларда, шунингдек ер ости ишларида аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқлаш, ер остидаги баъзи ишлар (жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва майший хизмат кўрсатиш ишлари) бундан мустаснодир.

Икки ва ундан ортиқ 12 ёшга тўлмаган фарзанди бўлган ёки 16 ёшгача ногирон фарзанди бор аёлларга 3 иш кунидан иборат бўлган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериш.

8.7. Ўн тўрт ёшгача фарзанди (16 ёшгача - ногирон фарзанди) бўлган аёлларга ва ҳомиладор аёлларга ишлаган ҳақиқий вақтларига ҳақ тўлаган ҳолда уларнинг аризаларига кўра 20 соатдан кам бўлмаган тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаш.

Ҳамкорликдаги мажбуриятлар:

8.8. Тарафлар аёлларнинг меҳнат ҳуқуqlари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш борасида ХМТнинг қўйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этадилар:

“Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция;

“Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;

“Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;

“Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;

“Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция.

IX. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР

Бошқарманинг мажбуриятлари:

9.1. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериш, қисқартирилган иш ҳафтасини жорий этиш ва бошқа имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини жамоа шартномаларида акс эттириш.

9.2. “Устоз-шогирд” тизимини жорий этиш борасида ҳамкорлик ишларини кучайтириш, тизимдаги коллеж битирувчиларини тўлиқ бандлигини таъминлашга эришиш ҳамда ўз иш жойларида қўнимлилиги бўйича мунтазам мониторинг олиб бориш.

9.3. Олий ва касб-хунар таълими муассасаларини аъло баҳоларга тугатиб, ташкилот ва муассасаларда биринчи йил меҳнат қилаётган ёш мутахassislarни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида молиявий имкониятдан келиб чиқсан ҳолда иш берувчи ҳисобидан Республикада белгиланган Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 1 баробар миқдоригача бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш.

9.4. Олий ва касб-хунар таълими муассасаларини аъло баҳоларга тугатиб, муассасаларда биринчи йил меҳнат қилаётган ёш мутахassislarга имконият даражасида қўшимча ҳақ тўлашни жамоа шартномалари орқали амалга ошириш.

9.5. Меҳнат Кодексида ёшларга кўзда тутилган кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади

Вилоят Кенгашининг мажбуриятлари:

***9.6. “Устоз-шогирд” тизимини жорий этиши борасида ҳамкорлик ишларини кучайтириш, тиббиёт ўқув юртлари битирувчиларини тўлиқ бандлигини таъминлашга эришиш ҳамда ўз иш жойларида қўнимлилиги бўйича мунтазам мониторинг олиб бориш.

***9.7. Олий ва касб-хунар таълими муассасаларини аъло баҳоларга тугатиб, ташкилот ва муассасаларда биринчи йил меҳнат қилаётган ёш мутахassislarни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида касаба уюшма маблаги ҳисобидан Республикада белгиланган Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоригача бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда “Устоз-шогирд” хоналарини жиҳозлашга молиявий имкониятдан келиб чиқсан ҳолда кўмаклашиш.

***9.8. МКнинг 84-моддасига асосан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг, ҳамда олий ўқув юртларининг тегишили таълим муассасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичидаги биринчи бор ишга кираётган битирувчилари

ишига қабул қилинганды дастлабки синов белгиланмаслиги устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

***9.9. МКниң 247^l-моддасига асосан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг шунингдек давлат грантлари бўйича таълим олган олий ўқув юртларининг тегишили таълим муассасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичida биринчи бор ишига кирган битиравчилар билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар иши берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганида иши берувчи бу ҳақда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

Х. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

***10.1. Ҳар бир ходим учун қишиги мавсумга ҳарид қиласиган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари қийматини муассасалар молиявий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда компенсация қилиши.

***10.2. Ходим, шунингдек унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоги, фарзандлари) вафот этганда дағн маросимлари учун муассаса ҳисобидан транспорт хизматини кўрсатиши.

***10.3. Ходим пенсияга чиқшии муносабати билан ишидан кетаётганда лавозим маошидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла разбатлантириши.

***10.4. Юбилей ёшига етган (50, 60 ёш) ходимларни муассасанинг молиявий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда муассаса ҳисобидан лавозим маошининг бир баравари миқдоригача бир йўла мукофотлаши.

***10.5. Чуқурлаштирилган тиббий кўрик ва даволанишига муҳтож ходимлар учун молиявий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда муассаса ҳисобидан тиббий хизмат ва диагностика ҳаражатларининг қисман (камидা 50%) қийматини тўлаши (тегишили ҳўжажатлар тақдим этилганда).

***10.6. Тармоқ тизимида камидা 10 йил ишилаб пенсияга чиқсан, ишиламаётган пенсионерларга уларнинг аризаларига биноан касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда молиявий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда муассаса маблағларидан йўлланма қийматини қисман тўлаши шарти билан имтиёзли йўлланмалар ажратиши.

***10.7. Ходим вафот этганда унинг оиласига Республикада ўрнатилган Меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори 2 бараваридан кам бўлмаган миқдорида ва тизимда ишилаб пенсияга чиқсан пенсионер вафот этганда унинг оиласига Меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорида муассаса ҳисобидан моддий ёрдам берши.

***10.8. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санаторий, санаторий-профилакторияларда ва дам олиши масканларида согломлаштириши учун муассасалар молиявий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда маблағ ажратиши.

***10.9. Касаба уюшма органларининг асосий ишидан озод қилингани (бошлигич, бирлашган касаба уюшма қўмиталари) ходимларига моддий разбатлантириши, ҳўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун мукофотлар, разбатлантириши, сувсизлик ва район коэффициенти ҳамда бошқа қўшимча тўловларни муассаса маблағлари ҳисобидан тегишили раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларга тўланадиган миқдорларда тўлаши.

***10.10. Қўйидаги мақсадлар учун муассаса ва ташкилотлар касаба уюшма қўмиталари ҳисобига ҳар ойда муассаса ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаши фондининг 3 % гача маблағлар ўтказилишини таъминлаши ва уларни қўйидагиларга йўналтириши:

- маданий-оммавий, жисмоний тарбия ва спорт-согломлаштириши тадбирларини амалга ошириши ва ривожлантириши учун;

- тармоқ ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаши ва моддий ёрдам кўрсатиши учун;

- уруши ва меҳнат фахрийлари, кўп болали ва кам таъминланган оиласлар ҳамда даволанишга муҳтож ходимларни зарурат тугилганда керакли санатория-курорт йўлланмалари билан таъминлаши учун;

- асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма қўмиталари раисларининг иш ҳақлари учун касаба уюшма бюджетидан сарфланадиган маблаглар етишимагандан уларнинг иш ҳақлари учун тўланадиган маблагларнинг етишимаётган қисмини қоплаши. (Бунда ўтказиладиган маблагларнинг юқоридаги мақсадлар учун тақсимланиши миқдорлари жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади).

***10.11. Касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси бўйича ваколатли вакиллари этиб сайланган ходимлар ва меҳнат низолари комиссияси аъзолари меҳнат жамоасининг вакиллик органи аъзоларига тенглаштирилади ва уларга мазкур келишувда белгиланган ҳуқуқ, кафолат ва имтиёзлар татбиқ этиши.

***10.12. Тармоқ тизимида фаолият юритаётган ва касаба уюшма ташкилоти тузилмаган ҳамда янги ташкил этилаётган хўжалик субъектларида касаба уюшма ташкилотини тузишда ўз ваколати доирасида бошлангич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатши.

10.13. Пандемия муносабати билан касаллик юқтирган ходимларининг соглигига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши ва соглиги тикланмаганлиги муносабати билан иш берувчи ҳамда касаба уюшмаси ташкилоти томонидан моддий имкониятдан келиб чиққан ҳолда моддий ёрдам кўрсатши.

10.14. Коронавирус инфекцияси билан заарланиши ёки заарланган деб гумон қилиншиши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариши қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади.

XI. КЕЛИШУВНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ

***11.1. Томонлар Келишув мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиб борадилар ва унинг натижсаларини ҳар йили, камида бир маротаба қўйима мажлисларда кўриб чиқилади. Шу сабабли тарафлар ҳар йилнинг 1 март кунига Келишувни бажарилиши юзасидан комиссия аъзоларга ахборот тақдим этадилар.

***11.2. Келишувнинг бажарилишини назорат қилишини, уни бажариш мобайнида юзага келадиган келишимовчиликларни ҳал этишини келишув бажарилишини назорат қилувчи комиссия амалга оширади.


***11.3. Келишувга имзо чеккан томонларнинг ҳар бирин уни амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олади ва ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ҳамкорлик қилишини ўз зинмасига олади.

***11.4. Келишувга имзо чекилгандан сўнг, томонлар Келишув кучга эга бўлган муддатда уни бажармаслик ёки бекор қилиш ҳуҗуҗига эга эмас.

***11.5. Уибу Келишув маъжбурияtlари бажарилмаган ҳолларда томонлар масъул ходимларга МКнинг 181, 182-моддаларига асосан жазо чоралари қўллашини талаб этишилари мумкин.


***11.6. Томонлар уибу келишувга асосан жамоа шартномаларини мувофиқлаштириши мақсадида мазкур келишувнинг нусхасини барча қўйи ташкилотларига жўнатадилар.

Вилоят Соғлиқни саклаш
бошқармаси
бошлиғи



С.Юсупов

Ўзбекистон Соғлиқни саклаш
ходимлари касаба ѹюшмаси Андижон
вилояти кенгаши раиси



А.Арзинев

